



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
ректори

Р.Р.Ҳакимов
“ 21 ” 12 2017 й.

“Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” интерактив хизматининг регламенти

1. Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат номланиши.

Қисқа номи: “Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш”.

Кенгайтирилган номи: Тошкент архитектура қурилиш институти (кейинги ўринларда - ТАҚИ) расмий сайти орқали “Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” хизмати.

1.2. Хизмат натижаси.

1-7 босқич талабаларидан академик таътилдан қайтиш бўйича (бир ОТМ доирасида) ректор номига электрон тарзда ариза қабул қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138).

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

Хизматдан академик таътилга чиққан талабалар фойдаланиши мумкин.

1.6. Ариза бериш муддатлари.

Талаба академик таътилдан қайтиш бўйича электрон аризани академик таътил муддати тугашидан олдин (муддат кўрсатилсин) топшириши мумкин.

1.7. Бажарилиш муддати.

7 иш куни.

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;

- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

2.2. Батафсил маълумот олиш.

“Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” хизмати тўғрисида батафсил маълумотни ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача.

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

7 иш куни.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
(қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин)

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари:

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

2. “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Академик таътилдан қайтиш учун ариза бериш” хизмати танланади.

3. “Академик таътилга чиққан талабалар” маълумотлар базасидан академик таътилга чиққанлиги тўғрисидаги барча маълумотлар юкланади;

4. Маълумотлар тўғрилиги текширилади ва оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

Аризачининг маълумотлари ТАҚИнинг “Академик таътилга чиққан талабалар” маълумотлар базасига олдиндан киритилган бўлади ва аризачи томонидан киритилган маълумотлар асосида базадан автоматик равишда текширилади ҳамда аризанинг электрон нусхаси шакллантирилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами) томонидан жўнатилади.

Масъул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин, талаба ҳақиқатдан академик таътилга чиққан бўлса, 3 (уч) иш куни ичида базага киритади ва бу ҳақида аризачига ҳабар жўнатади.

Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.

4.5. Рад этиш сабаблари.

- ариза шакли нотўғри ёки тўлиқ тўлдирилмаган бўлса;
- талаба талабалар сафидан четлатилган бўлса;
- академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишга қайтмаган бўлса.

“КИРИТИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Кадрлар бўлими
бошлиғи


Н.Блази

“ 22 ” 12 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ахборот технологиялари
маркази бошлиғи


Э.Умматов

“ 22 ” 12 2017 й.